

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида ифторлик бўлиб ўтди



20:30 / 21.04.2022 1663

Аввал хабар берганимиздек, юртимизнинг бир гуруҳ имом-хатиблари Рамазон тадбирларида иштирок этиш учун Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетишган эди.

2022 йил 20 апрель куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасига имом-хатибларимиз етиб боришди ва ифторлик дастурхонида жам бўлишди. Ташрифнинг илк кунда барча дин вакиллари учун ифторлик дастурхони ёзилди. Сўнгра намозга азон айтилди ва барча азиз меҳмонлар шом намозини адо этишди.

Ифторликдан сўнг илмий доирада экспертлар билан мулоқот ўтказилди.